



Shu aziz VATAN — barchamizniki!

O'ZBEKISTON OVOZI

2013-yil, 3-sentabr. Seshanba 106 (31.696)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов номига Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан хорижий давлат ва ҳукуматлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарларидан, сиёсат ва жамоат арбобларидан самимий қутловлар ҳамон келиб турибди. Мазкур қутловларда самимий муборакбод сўзлари изҳор этилган бўлиб, Юртбошимизга ва Ўзбекистон халқига энг эзгу тилаклар йўлланган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун йўлаган табрик мактубида шундай дейилади:

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислам Каримов Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари!

Мустақиллик куни муносабати билан Сизга, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига энг самимий қутловларимни изҳор қилиш менга катта мамнуният бахш этади.

Ҳар бир мамлакат ўз маданияти, тарихи ва эришган ютуқлари билан беназирдир. Айни пайтда жаҳон мамлакатлари ўзаро узвий ва муштарак ришталар билан боғланган. БМТга аъзо барча давлатлар, уларнинг катта-кичиклиги ёки бойлигидан қатъи назар, ўз халқлари ва умуман сайёраимиз учун яхшироқ келажақни барпо этишда муҳим роль ўйнайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти янада хавфсиз ва барқарор истиқболни вужудга келтириш учун муҳим воситадир. Кейинги йилларда биз кўпгина ютуқларга, шу жумладан Мингйиллик тараққиёт мақсадларини қўлаб-қувватлаш йўлида глобал сафарбарликка эришдик. Шунга қарамай, барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун 2015 йилгача ва ундан кейин ҳали кўп ишларни амалга ошириш лозим бўлади.

Мамлакатингиз Ташкилот ишида фаол қатнашиб келаётганлиги барча учун тинчлик, тараққиёт ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги муштарак мақсадларимизни олға силжитишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган гоят юксак ҳурмат-эҳтиромларимни қабул қилгайсиз.

**Пан Ги МУН,
Бирлашган Миллатлар
Ташкилоти Бош котиби**

Куйидагилар ҳам ўз табрикномаларини йўллашган:

Корея Республикаси Президенти
Пак Кин Хэ;

Испания Қироли
Хуан Карлос I;

Арманистон Республикаси Президенти
Серж Саргсян;

Қатар Давлати Амири
Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний;

Яман Республикаси Президенти
Абду Раббу Мансур Ходи;

Бангладеш Халқ Республикаси Президенти
Абдул Ҳамид;

Мьянма Иттифоқи Республикаси Президенти
Тейн Сейн;

Корея Халқ Демократик Республикаси Олий
Халқ Мажлиси Президиумининг Раиси
Ким Ён Нам;

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби
Дмитрий Мезенцев;

БМТ Бош котибининг Махсус вакили,
БМТнинг Марказий Осиё учун превентив
дипломатия бўйича Минтақавий Маркази раҳбари
Мирослав Енча;

Туркистонликларнинг Америкадаги жамияти раиси
Абдулла Хўжа;

«Сока Гаккай Интернейшнл» жамияти президенти
Дайсаку Икеда.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида



➤ Ҳар соҳада қўлга киритилаётган ютуқлар, зафарлар, кундан-кунга чирой очиб бораётган шаҳару қишлоқларимиз қиёфасини кўриб истиқлолнинг ҳаётбахш нафасини янада теранроқ ҳис қиламиз. Чиндан ҳам бугун мамлакатимизнинг қай бир гўшасига боқманг, қайси соҳага назар ташламанг, тарихий ўзгариш ва янгиланишларнинг гувоҳи бўласиз. ➔ 2

МУСТАҚИЛЛИК, ТИНЧЛИК – УЛУҒ НЕЪМАТ

Ислоҳотлар аввало инсон учун унинг бахту саодати учун амалга оширилмоқда

«Биз олдимизга қўйган буюк мақсадларни амалга оширишда ўтган йигирма икки йил давомида эришган ва жаҳон тан олган ютуқ ва марралар – миллий демократик давлат қуриш, иқтисодиётимизни янги асосда ташкил этиш, ҳаётимиз даражаси ва сифатини ошириш борасидаги кенг кўламли ишларимизни, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг қиёфаси тобора очилиб, обод бўлиб бораётганини кўз ўнгимиздан ўтказадиган бўлсак, қани, айтинг, азиз дўстларим, қадрдонларим, истиқлолга эришмасдан туриб, бундай юксак натижаларга етиб боришимиз мумкинмиди?

Бунга жавоб битта: Йўқ ва асло йўқ».

(Давоми 2-бетда.)

Устоз муаллимнинг қувончи ➔ 3





Ҳар масканда бунёдкорлик, ҳар гўшада байрам ➔ 3



Жаҳон чемпионатида

машҳур каноэчимиз
Вадим Меньков кумуш
медалга сазовор бўлди ➔ 4



КЕЛГУСИ СОНДА

ЎзХДП Марказий Кенгаши ва Тошкент шаҳар кенгаши ҳамкорлигида «Депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш» мавзусида семинар ташкил этилди. Унда депутатлик назоратини амалга ошириш билан боғлиқ муҳим фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди. Унинг тафсилотлари билан газетамизнинг келгуси сониде танишасиз.

ЎзХДП Марказий Кенгашида

«Энг муқаддас бойлигимиз – истиқлолимиз!»

танлови ғолиблари тақдирланди



➤ Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида эълон қилган «Энг муқаддас бойлигимиз – истиқлолимиз!» мавзусидаги танлов якунланди. Шу муносабат билан партия Марказий Кенгашида танлов ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Унда Марказий Кенгаш масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Тошкент шаҳар ҳамда вилоят партия кенгашлари фаоллари, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бирлашган таҳририяти ходимлари иштирок этди.

Танловдан қўзланган асосий мақсад Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик қуриш

ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори ижросида партиянинг самарали иштирокини таъминлаш, газеталаримиз саҳифаларида она юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган, мазмунан теран, таҳлилий материалларни қўлайтириш, барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини янада кенгроқ тарғиб қилишдан иборат эди.

(Давоми 2-бетда.)



«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ, СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Музаффар ШАНАЕВ, «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи ғолиби:



— Олий ўқув юртининг ҳуқуқшунослик йўналишини тамомлаганман. Шу боис мамлакатимизда аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, демократик жараёнларни чуқурлаштириш, сиёсий партияларнинг жамиятдаги таъсирини кучайтириш масалалари билан қизиқаман. Ҳуқуқий, демократик ислоҳотларни кузатиб бораман, уларда ўзим ҳам фаол иштирок этишни хоҳлайман.

Шу сабабли Дастури ҳаётий қарашларим ва мақсадларимга мос бўлгани учун ЎзХДПга аъзо бўлдим. Шу йил «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловида қатнашдим. Унинг Олмалиқ шаҳар ва Тошкент вилоят босқичларида ғолиб бўлдим. Танловнинг вилоят босқичида интилувчан, юқори билимли тенгдошларим билан беллашиш осон бўлмади. Лойиҳа тақдимоти шартида мобил телефонларга махсус дастурлар киритиш орқали жисмоний имконияти чекланган кишиларга моддий қўмак уюштиришга қаратилган лойиҳани тақдим этдим. Лойиҳа кўпчиликлари маъқул келди. Ҳозир уни амалга жорий қилиш ҳаракатидамыз.

Айни пайтда «Ёш сиёсатчи» танловининг республика босқичига тайёргарлик кўраяпман. Мен келажақда сиёсатчи бўлиш, сиёсий жараёнларда фаол бўлиш, партияимизнинг жамиятдаги нуфузини янада кўтаришга ўз ҳиссамни қўйиш ниятидаман. Бу орзуларимга етишишимда танлов муҳим аҳамиятга эга бўлади, менга янги куч, ғайрат бағишлайди, деб ўйлайман.

ЎзХДП Марказий Кенгашида

«Энг муқаддас бойлигимиз — истиқлолимиз!»

танлови голиблари тақдирланди



ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси Хотамжон Кетмонов тақдирлаш маросимини очар экан, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, фуқароларда дахлдорлик ҳиссини, ор-номус, фахр-ифтихор, қадр-қиммат каби фазилатларни янада кучайтириш, уларни маҳорат билан ифода этиш, мамлакатимизда кечаётган жараёнларга ҳолис баҳо бериш, партия фаоллари, ёзувчилар ўзларининг 50 га яқин мақолалари билан иштирок этди.

Ҳудойберди Тўхтабоев, Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

— Мен кўп жойларда учрашувларда бўламан. Одамларнинг ўй-фикрлари, орзу-умидлари, турмуши, фаолияти билан қизиқаман. Улар билан суҳбатлашиб, ўз ҳаётидан рози эканликларидан қувонаман. Мана, яқинда Тошкент вилоятининг Пскент, Оҳангарон, Зангиота туманларида бўлдим. Очиги, ёшларнинг ғайрати, шижоати, меҳнатга иштиёқини ўз кўзим билан кўриб, уларга ҳавасим келди. Ўзимнинг ёшлигим, қандай шароитда ўсиб-ўлғайганимиз билан бугунги кунни ҳаёлан таққослаб кўрмоқчи бўлдим. Аммо ўша давр билан мустақиллик замони қиёслаб бўлмади. Бунинг иложи йўқ.

Фермерлар, деҳқонларнинг кўпи — ёшлар. Бири боғдорчилик қилган, бошқа бири полиз маҳсулотлари етиштириб юртдошларимиз дастурхонини безатиш билан машғул. Ёзган мақолаларида эл хизматидаги истиқлол фарзандларининг фидойилиги, жонқуярлигини, оиласи, рўзғори бутлиги, жа-

мият ривожига ҳисса қўшиш учун интилиши, жойларда ислохотлар ўзининг шунчалик самарасини бераётгани, уларнинг барчаси одамлар турмуш тарзида ўз ифодасини топаётганини ифодалашга ҳаракат қилдим. Шунга қайта-қайта амин бўлдимки, халқимизнинг бунёдкорлик фазилатлари янада жўш уриб, турмуш тарзини бутунлай ўзгартириб бораёпти.

Комила КАРОМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Айни кунларда мустақиллигимизнинг 22 йиллиги юртимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда. Бу улуг байрамни муносиб қутиб олишга партиямиз ҳам муносиб ҳисса қўшишга интилкини қувонарли. Партия Марказий Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган «Энг муқаддас бойлигимиз — истиқлолимиз!» танлови ҳам фикримизнинг далилидир. Чиндан ҳам, ҳаётимизда деярли ҳар кун бири ўзгариш, янгиланишга гувоҳ бўламиз. Аммо ҳар доим ҳам унинг моҳиятини, қандай мақсадларни кўзлаб амалга оширилаётганини чуқур ўйлаб, мушоҳада қилиб кўрмаймиз. Шундай экан, истиқлол йилларида эришилган ютуқлар, амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини одамларга тушунтириш, ёшлар онгига сингдиришда ёритилган мақолаларнинг аҳамияти катта бўлди, десам адашмайман.

Иброҳим ЖОҲУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» газетасининг Жиззах вилояти бўйича мухбири:

— Биз одатда зафарлар, ютуқлар борасида сўз кетган чоғ, кўпинча чиройига-чирой қўшилаётган шахару қишлоқларимиз, гуркираб ўсаётган иқтисодийимиз, қурилаётган йўллар, иншоотлар, хуллас, бунёдкорлик ишлари ҳақида гапираримиз. Жиззах вилояти мисолида ҳам бу каби ишлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Айниқса, Президентимизнинг жорий йил 19 июнь куни ҳудудларда иж-

тимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан яқиндан танишиш мақсадида вилоятимизга ташрифидан сўнг ободончилик ва бунёдкорлик ишлари янада авж олди. Бугун бутун вилоят ҳудуди ўзгача қиёфа касб этган. Туманларда янги турар-жой бинолари, ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилаётгани, айниқса, қувонарли. Мен ёзган мақолаларда булар дарёдан томчидек акс этди, холос. Бундай тарихий ўзгаришлар ҳақида қанча ёзсак кам аслида.

Тадбирда, шунингдек, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева, «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари Фаррух Ҳамроев сўзга чиқиб, танлов журналистлар, ижодкорлар ўртасида ижодий рақобат муҳитини, партия фаолларининг дахлдорлик туйғуларни, фуқаролик позициясини ривожлантиришга хизмат қилганини, кейинги йилларда уни янада такомиллаштириб бориш зарурлигини таъкидлашди.

Танлов якунига кўра, Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Ҳудойберди Тўхтабоев биринчи, «Ўзбекистон овози» газетасининг Жиззах вилояти бўйича мухбири Иброҳим Жонузоқов иккинчи, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси ўринбосари Меҳрож Дархонов учинчи ўринни эгаллади. Рағбатлантирувчи мукофот «Қарақалпақстан ҳаёзи» газетасининг масъул котиби Кенесбай Сейдановга насиб этди. Голибларга ЎзХДП Марказий Кенгашининг қимматбаҳо совғалари топширилди. Шунингдек, турли номинациялар голиблари «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари бирлашган тахриратининг эсдалик совғалари, партия Марказий Кенгашининг фахрий ёрлик ва дипломларига сазовар бўлишди.

Гулрух ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Муносабат

Ислохотлар аввало инсон учун

унинг бахту саодати учун амалга оширилмоқда

➤ Президентимиз Ислам Каримовнинг энг улуг, энг азиз байрамимизга бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи ҳар биримизнинг қалбимизга катта ғурур, фахр-ифтихор бағишлади.

Дарҳақиқат, озодлик — буюк неъмат. Фақат мустақилликка инсонга ўзлигини англаш, дунёда тенглар ичра тенг бўлиш, буюк орзуларини амалга ошириш, эркин ва обод Ватан қуриш имкониятини бера олади. Буни биз ўз тақдиримиз мисолида ҳам кўриб турибмиз.



Қуватбай ҚУРБАНБАЕВ,

ЎзХДП
Қорақалпоғистон
республика кенгаши
раиси.

Ҳар бир инсон бундан йигирма икки йил олдин ким эдигу, бугун ким бўлди, деган саволга ўз тақдири, оиласи мисолида жавоб бериши мумкин. Яқин ўтмишда халқимизнинг турмуши ачинарли аҳволда бўлгани кўпчиликка маълум. Қанча меҳнат қилмасин, одамларимизнинг бири икки бўлмасди. Айниқса, қишлоқ аҳолисининг аксарияти ночор турмуш кечирарди.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ давлатимиз раҳбари халқимизнинг ижтимоий ҳимоясига жиддий эътибор қаратди. Миллий тараққиётимизнинг беш тамойилидан бири айнан ижтимоий ҳимояга бағишлангани бунинг исботидир. Халқимиз турмуши фаровонлигини ошириш, реал даромадларини кўпайтириш бўйича жиддий қоралар қўрилгани бугун ҳар биримизнинг ҳаётимизда ўзининг медаларини бермоқда.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, 2000 йилга нисбатан мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 3,1 баробар, аҳоли жон бошига ҳисобланганда 2,6 карра ўсгани, экспорт ҳажми 4,4 баробар, номинал иш ҳақи солиштирма нархларда 22 марта, пенсияларнинг ўртача миқдори 12,7 баробар ошгани, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромад эса 8,4 баробар кўпайгани изчилик билан амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасидир.

Булар шунчаки оддий рақамлар

(Давоми. Боши 1-бетда.)


ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

Мустақиллик, тинчлик — улуг неъмат

ЎзХДП Марказий Кенгаши Тошкент шаҳар ва Чилонзор туман партия кенгашлари билан ҳамкорликда Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ташкил этган маънавий-маърифий байрам тадбирида ҳам шу ҳақда сўз юритилди. Унда партия фаоллари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, электрот вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

— Мамлакатимиз эришган бугунги ютуқлар, улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишлари, аҳоли турмуш фаровонлигининг ошиши, аввало, истиқлол шарофатидандир, — деди ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Маргарита Аҳмедбекова. — Шунинг учун бу байрамни катта шодиёна ва тантана, ҳисҳаёжон билан қутиб олиш эзгу анъанага айланган. Юртимизнинг барча ҳудудларида мустақиллигимизнинг 22 йиллиги муносиб қутиб олинди. Жойларда истиқ-

(Давоми. Боши 1-бетда.)



лолнинг, кенг қўламли ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишланган қатор ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар давом этмоқда. Бугунги тадбир ҳам ана шу мақсадда ўтказилаяпти.

Тадбирда мустақиллик йилларида мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида чуқур ислохотлар олиб борилаётгани, бу эса ўз навбатида сиёсий

партияларнинг жамиятдаги ўрни мустаҳкамлашига хизмат қилаётгани ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Ислохотлардан мақсад — очик фуқаролик жамияти барпо этиш, ривожланган демократик мамлакатлар сафидан муносиб ўрин олишдан иборат, — деди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутаты Нигора Эшметова. — Халқимиз манфаатини кўзлаган бу эзгу гоя ўз-ўзидан амалга ошмайди, албатта. Бунинг учун ҳар биримиз мустақилликнинг қадрига етиб, уни мустаҳкамлаш йўлида фидойи бўлишимиз, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти, ҳаётимиздаги аҳамияти тўғрисида тарғибот ишларини электротлиб орасида чуқурроқ олиб боришимиз керак.

— Энг улуг ва энг азиз байрам кунларида фахр-ифтихор билан айта оламизки,

носабати бутунлай ўзгарди, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуларни мустаҳкамламоқда. Бугунги мураккаб замонда одамларнинг, айниқса, ёшларнинг онгу шуурини эгаллаш учун ҳаракатлар бўлаётган бир пайтда бу бизнинг энг катта муваффақиятимиз ҳисобланади. Ҳар биримиз бунни чуқур англаб, огоҳ бўлиб, эртанинг бугундан-да саодатли бўлиши учун меҳнат қилишга бурчлигимиз.

Тадбирда, шунингдек, Ўзбекистон халқ ҳофизси Ҳасан Ражабий, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Олим Орифжонов ҳамда Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи маънавият тарғибот бўлими мутахассиси Мирафшад Ғофуржонов сўзга чиқиб, тадбир қатнашчиларини байрам билан қутлади. Тадбир сўнггида бола-жонлар учун адабий кеча ва концерт дастури намойиш этилди.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.



➤ Бугун юртимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қамровли бунёдкорлик ишлари Ватанимизда ҳукм сўраётган тинчлик ва осойишталик, энг улуг, энг азиз неъмат — мустақиллик тўғрисида. Истиқлол бераётган медаларни ҳар биримиз ўз ҳаётимизда, оиламизда, фарзандларимиз қамолида кўриб турибмиз.

Ватан тараққиёти йўлида меҳнат қилиш — катта бахт

Мен 1992 йилдан буён Жиззах шаҳар Электр таъминоти корхонасида ишлаб келаман. Оддий ишчиликдан бош муҳандис даражасига кўтарилдим. Аммо муҳими бу эмас, муҳими, одамларнинг хонадонларига, шу билан бирга кўнгулларига нур улашишдек завқли меҳнат билан шуғулланаётганим мени қувонтиради. Бизнинг меҳнатимиз ҳар кун, ҳар дам, ҳар лаҳза одамларга керак бўлади ва ана шундай вазифани бажариш, бировга кераклигини ҳис қилишининг ўзи кишига завқ бағишлайди.

Айни пайтда электр таъминотини яхшилаш бўйича мамлакатимизда давлат дастурлари асосида кенг қўламли модернизация ишлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, бизнинг шахримизда ҳам бундай ишлар олиб боришмоқда. Мисол учун, яқинда «Маданият», «Бобур», «Оқўрғон», «Равонлик» маҳаллаларидаги трансформаторлар катта қувватлигига алмаштирилди. 22 километрлик линиялар мукамал, 134 километрлик линиялар жорий таъмирдан чиқарилди. Буларнинг барчаси одамлар учун, халқимиз учун.

Турмуш ўртоғим билан икки нафар ўғил, бир қизни воёга етказа-

ямиз. Уларни бахтли, баркамол, кам-қўстис воёга етказиб, юрт қорига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялашга ҳаракат қилаймиз. Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида кўпгина юртдошларимиз қатори мен ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида кўра, «Шуҳрат» медали билан тақдирландим.

Электр таъминоти соҳасида ишлайдиган оддий муҳандиснинг меҳнати шунчалик юқори даражада эътироф этилгани мен билан бирга ҳамкасбларимни ҳам қувонтириб юборди. Берилган юксак мукофот зиммамга катта масъулият юклайди. Зеро, Ватанимиз равоқли, халқимиз фаровонлиги учун яшоб, меҳнат қилиш ҳар бири-миз учун олий бахтдир.

Холмамат АЛИҚУЛОВ, Жиззах шаҳар Электр таъминоти корхонаси бош муҳандиси.

Устоз муаллимнинг қувончи

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ҳар бир инсоннинг меҳнатини муносиб қадрлаш, эл-юрт равнақи йўлидаги хизматларини рағбатлантириш эзгу аниёнага айланган. Президентимиз фармонига мувофиқ энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлангани бунинг ёрқин ифодасидир. Мукофотланганлар қаторида пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманидаги 40-умумтаълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси Турғун Азларов ҳам бор. Президентимиз фармони билан бу устоз муаллим Ўзбекистон Қаҳрамони фахрий унвони билан тақдирланди.

— Ушбу қувончи хушхабарни эшитганимда нахотки мендек оддий бир ўқитувчида давлатимизнинг энг юксак унвони берилган бўлса, деб ўйладим. Қалбимда чексиз ҳаяжон уйғонди, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Турғун Азларов. — Мамлакатимизда мустақиллигининг дастлабки кунларидан мактабга, хусусан, ўқитувчилар меҳнатини эъзозлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани биз, педагогларни ёш авлод тарбияси йўлида янада катта ғайрат билан ишлашга ундамоқда.

Президентимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида таъкидлаганидек, мактаб деган улуг даргоҳнинг инсон ва жамият тараққиётидаги ҳиссаси ва таъсирини, нафақат ёшларимиз, балки бутун халқимиз келажагини ҳал қиладиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини ҳеч нарса билан ўлчаб, қийслаб бўлмайд. Чунки ўқитувчи ва мураббийлар минглаб мурғак қалбларга эзгулик ёғдусини улашди, келажакка тайёран нигоҳ ташлаб турган ўғил-қизларни мустақил фикрлашга, мустақил яшашга ўргатади.

Т.Азларов информатика фани бўйича мамлакатимизда кўзга кўринган мутахассислардан. Ўнлаб илмий-методик рисолалари, хусусан, 8-9-синфлар учун нашр этилган «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» фани бўйича дастур ва дарсликлар умуний ўрта таълим тизимида кенг қўлланилмоқда. Унинг муаллифлигида 1998-1999 йилларда мазкур фан бўйича дастур ишлаб чиқилиб, кенг доирада синовдан ўтказилди. Ушбу дастурга мувофиқ 2001 йилда «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» фани бўйича 8-синфлар учун дарслик нашр этилди. Моҳир муаллим 2002 йилда Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари томонидан «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи», деб эътироф этилди.


Турғун Азларов умуний ўрта таълим тизимида информатика фанини ўқитиш жорий этила бошланган кундан ҳозиргача мактабда дарс бериш билан бирга, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, ўқув-методик адабиётларни тайёрлаш ишларида фаол иштирок этиб келмоқда. Қирқ йиллик фаолияти давомида за-

монавий ахборот технологиялари соҳаси бўйича юзлаб салоҳиятли кадрлар тайёрлашга катта ҳисса қўшди.

Бугунги шиддаткор даврда тараққиёт замонавий ахборот технологиялари ривожига ҳам боғлиқ. Бу информатика фани ўқитувчилари зиммасига катта масъулият юклайди. Бунинг чуккур англаган Турғун Азларов фанга доир дарслик мажмуалари яратиш, дастур ва режалар тузишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бугун унинг муаллифлигидаги ўнлаб рисолалар таълим тизимига самарали татбиқ этилаётир.

— Буюк аждодларимизнинг илму фандаги кашфиётлари бугунги авлодларни улуглиқка ундамоқда, — дейди Т.Азларов. — Мамлакатимизда ахборот технологиялари ривожига катта эътибор қаратилаётгани ёшларимизни улуг аждодларга муносиб фарзанд бўлиб камолга етишга руҳлантиради. Мустақиллик йилларида қўлга киритган ютуқларимиз ҳақида ўйлаганимда, аввало, таълим соҳасида юз берган буюк ўзгаришлар ҳаёлимдан ўтади. Чунки ана шу ўзгаришлар туфайли халқимизнинг дунёқараши, онгу тафаккури, келажакка ишончи мустаҳкамланди. Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган бундай оламшумул ишлар замирида ҳеч кимдан кам бўлмаган авлоднинг катта топтиришдек эзгу мақсад мўжассам. Бундан шу юртининг бир фуқароси, оддий бир ўқитувчи сифатида чексиз фахрланаман.

Собиқ тузум даврида ёшларимизнинг тўғридан-тўғри жаҳон фан олимпиадасига бориб, юртимиз раҳнамолигида баланд кўтаришга ҳақлиқ қилолмасдик. Бугун истеъдодли ёшларимизнинг аниқ фанлар борасидаги илмий кашфиётлари жаҳонда



тан олинисига қўниқиб қолди. Бунга шукрона келтириш билан бирга, уларнинг салмоғини янада ошириш йўлида ғайрат билан хизмат қилишимиз керак.

Тинчлик-осойишталик барқарор юртдагина юксалиш бўлади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қўрилган ё таъмирланган замонавий билим масканлари билан илгариги тангу тор мактаблар шароитини таққослаб кўрсак, бу ютуқлар замири, асоси бўй кўрсатади. Қай бир туманга ёки қишлоққа борсам, аввало, мактаблардаги информатика хоналари билан танишаман. Уларнинг шаҳардаги мактаблардан фарқи йўқ. Бугунги авлод учун булар балки оддий ҳолдек туюлар. Аммо уларнинг замиридаги савий харақатлар, маблагларни ўйлаб кўрсак, бу ишлар ўз-ўзидан бўлмагани, халқ ибораси билан айтганда, осмондан тушмагани аён бўлади.

Т.Азларовнинг ўз касбига меҳри, тиришқоқлиги ва меҳнаткашлиги фарзандларига ҳам «юққан». Қизи Назокат Ворисова ота изидан бориб, 40-мактабда Турғун ака билан информатика фанидан дарс беради. Ўғиллари Акмалхўминиз ва Акромхўжа информатика фанидан ўтказилган республика фан олимпиадаларида юқори ўринларни қўлга киритган. Айни пайтда мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқларида самарали хизмат қилаётир.

Ўзбекистон Қаҳрамонлари




Хориж

Фавқулодда ҳолат

Эълон қилинди

Перу президенти Ольянта Умала мамлакатнинг жануби-шарқидаги Пуно ҳудудида қучли қор ёққани, совуқ 16 даражадан ҳам пастга тушаётгани, ҳудуд билан алоқалар узилиб қолгани сабабли фавқулодда ҳолат эълон қилди.



«Новости» ахборот агентлиги маълум қилишича, қалин қор қамалида қолган 5,2 минг оилага инсонпарварлик ёрдамини бевосита президентнинг ўзи кузатиб бори. Яна қўшимча қўриш, иссиқ кийим-кечак ва озиқ-овқат етказилишига фармойиш берди.

Мазкур ҳудуддаги фермаларда боқилаётган 12 минг бош лама туялари совуқдан нобуд бўлган.

Нефть қазиб олиш юзасидан

умумхалқ референдуми ўтказилади

Эквадор президенти Рафаэл Корреа кўп сонли хиндулар талабидан сўнг мамлакатнинг Ясуни миллий боғи ҳудудида нефть қазиб олиш ишларини бошлаш юзасидан умумхалқ референдуми ўтказилишини маъқуллади.



Хориж ахборот агентликлари хабар беришича, август ойи ўрталарида миллий боғни ва унинг дахлсизлигини сақлаб қолиш учун керак бўлган маблағ — 3,6 миллиард доллар (боғдаги нефтдан олинадиган даромаднинг ярми) йиғилмагани, атиги 13 миллион долларгина йиғилгани боис мамлакат маъмурияти нефть қазилни бошлашга қарор қилган. Аммо юзлаб хиндулар маъмуриятнинг бу қарорига қарши норозилик акцияси уюштириб, бу масала умумхалқ референдумига қўйилишини талаб қилишди.

Табиатсевар хиндулар жамоатчилиги нефть қазил боғ экотизимига салбий таъсир кўрсатишдан ташвишланмоқда.

Бирорта абитуриент

кириш имтиҳонларидан ўтолмади

Либерия пойтахти Монровидаги Либерия университетига бу йил ҳужжат топширган 23 минг нафар абитуриентдан бирортаси кириш имтиҳонларидан керакли баллни тўплай олмагани сабабли талабалик бахтига мушарраф бўлолмади. Бу ҳақда Африканинг «AllAfrica» янгиликлар портали хабар тарқатди.



Бирорта абитуриент математикадан 50 фоизлик, инглиз тилидан 70 фоизлик баллни ололмаган. Шу боис 2013-2014 ўқув йилида университет талабасиз қолиши лозим эди.

Аммо ўқув муассасаси маъмурияти математикадан 40 фоизгача, инглиз тилидан 50 фоизгача балл йиққан абитуриентларни биринчи курсга қабул қилиш ҳақида қарор чиқарди.

Улар биринчи курс машғулотларини тўлиқ бошлашлари учун кам балл йиққан фанлар бўйича тайёргарлик қўриб, қайта имтиҳон топширишлари лозим.

Ўтган ўқув йилида университет 7,5 мингга яқин абитуриентни биринчи курсга қабул қилган. Ўшанда кириш баллари анча паст белгиланганди — математикадан 33 фоиз, инглиз тилидан 49 фоиз балл тўплаш етарли эди.

Гуллар

ит ва мушук учун зарарли

Гуллар кўзимизни қувонтириши билан бирга бизга ажиб тўғулларни бахшида этади. Эзгулик куртаклари ниш уриши ва кўнгилларни ўзгаларга ҳам эзгулик улашишга ундайди. Аммо ветеринарларнинг айтишларича, гулларнинг айримлари уй ҳайвонлари учун ўта зарарли экан.



Масалан, «The Daily Mail» газетаси хабарига қараганда, ит ва мушукларни лилия ҳамда нарғис гулларидан узоқроқ тутиш лозим экан. Нарғис гули уларда тошмалар тошишини ҳамда қайт қилишни юзага келтирса, лилия чанги мушукларнинг буйрагини ишдан чиқариб, ҳатто ўлимга олиб келиши мумкин экан.

Кўзни қувнатувчи Альп атиргули эса инсоннинг тўрт оёқли барча «дўст»лари учун ўта хавфлидир. Ит, мушук, қўй ва моллар ундан қомага тушиши мумкинлиги исботланган. Ҳатто айрим сабзавотлар, масалан, пиёз ва саримсоқпиез улар учун токсик қувватга эга.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси «Ўзбекистон овози» газетаси муҳбири Басандабону Жалиловага олмаси

Майрам ИНОКОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Истиқлол имкониятлари

Бугун Улуғнор туманининг қай бир ҳудудига борманг, ўзгориш ва янгиланишларни кўриб, одамларнинг орзу-ҳавасларини эшитиб, кўнгил шодланолади.

— Ўтган кунларни айтсам ҳудди эртакка ўхшайди, — дейди узоқ йиллар туман бош меъмори бўлган Мухаммаджон Ирагимов. — Қум барханларини бир ёққа суриб биринчи биноларга пойдевор қўйгандаки. Қаранг, кеча шу ер чўл эди, деса ким ишонди?

Ҳар масканда бунёдкорлик, ҳар гўшада байрам

Туманда ким билан суҳбатлашманг, истиқлол йилларида Улуғнорда бўлган ўзгаришлар ҳақида фахрийфтор билан сўзлайди. Дараҳақиқат, замонавий турар-жойлар, мактабу коллежлар ҳақида қанча гапирсак ҳам оз.

Мустақиллик байрами арафасида туман марказида болалар боғининг барпо этилиши кичкинтойларни бир олам севинтирди.

— Набираларим билан сайрга чиқдик, — деди Мамлакатхон ая Расулова. — Турли аттракционлар, болаларбоп ўйинлар, аржимоқлардан набираларим узоққа кетолмай қолишди.

Улуғнорнинг Бобур номли маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида намунавий лойиҳалар асосида 65 та уй қурилиб, кичик шаҳарча бунёд бўлди.

— Қувончли кунда янги уйга кўчиб ўтдик, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси шифокори Гулнора Эгамова. — Бундай кўркам, барча қулайликлари бор уйда яшаш орзумиз эди. Хоналарнинг кенглигини айтмайсизми. Айниқса, болаларим хурсанд. Шундай шинам уйлар қурилишининг ташаббускори бўлган Президентимиздан миннатдоримиз.

Дўстлик болалар спорт мажмуаси ҳам яқинда фойдаланишга топширилди. Уни болалар спортини ривожлантириш жамағармаси вилоят филиали 5 миллион сўмлик замонавий анжомлар билан таъминлади.

— Янги мажмуада 65 нафар қиз бадий гимнастика билан шуғулланипти, — дейди мураббий Мухлиса Исоқова. — Олис қишлоқларда ҳам қизларимиз бу спорт турига қизиқаётгани қувонарли ҳол. Июнь ойида Бекобод шаҳрида ўтказилган «Олимпиада умидлари» республика беллашувида 9 нафар бадий гимнастикачи кизимиз совриндор бўлди.

Спорт мажмуасидан нарироқда қад ростлаган хизмат кўрсатиш кошоноси ҳам, кўзга яқин. Бу ердаги тикувчилик цехида ўнлаб чеварлар ишлашяпти. Сал нарироқда эса чойхона ишга тушди.

Улуғнорнинг ҳар бир масканида бунёдкорликка гувоҳ бўласиз. Савдо расталари, янги йўللар, кўчалар... Ҳа, Улуғнордаги ободонлаштириш, бунёдкорликнинг қўлами кенг. Буларнинг барчаси мустақил юртимизда тинчлик-осойишталик туфайлидир.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

2014 йил учун катта илмий ходим — изланувчиликка қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:

07.00.09	ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ТАШҚИ СИЁСАТ ТАРИХИ	1 та ўрин
08.00.09	ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР	2 та ўрин
12.00.10	ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ	2 та ўрин

Ҳужжатлар 2013 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.

Катта илмий ходимлар — изланувчиликка талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- ариза;
- маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
- тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- илмий журналлар ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида учта), илмий ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари тўпламлари, фан доктори илмий

даражасини олиш учун диссертация тадқиқотининг асосини ташкил этиши мумкин бўлган тегishли илмий йўналишлар бўйича бошқа илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислар (камида икки-та) рўйхати, тезинингдек, уларнинг нусхалари;

— талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан ўтказилган тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси;

— етакчи олимлардан бирининг

Ҳужжатларни қуйидаги манзил бўйича топшириш мумкин: Тошкент шаҳар, Буюк Ипак Йўли кўчаси-54. Фан ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими. «А» бино, 12-хона.

Мурожаат учун телефон: 267-07-07.

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

2014 йил учун мустақил изланувчиликка қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:

07.00.09	ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ТАШҚИ СИЁСАТ ТАРИХИ	
08.00.09	ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР	
12.00.10	ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ	

Ҳужжатлар 2013 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.

Мустақил изланувчиликка қуйидаги талабгорлар ҳужжатларни тақдим этадилар:

- ариза;
- иш жойидан тавсифнома;
- маълумотнома;
- олий таълим ёки фан номзоди тўғрисидаги дипломнинг нусхаси;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан ўтказилган тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси;
- илмий ишлар рўйхати.

Ҳужжатларни қуйидаги манзил бўйича топшириш мумкин: Тошкент шаҳар, Буюк Ипак Йўли кўчаси-54. Фан ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими. «А» бино, 12-хона.

Мурожаат учун телефон: 267-07-07.

Тадбир

Дўстлик алоқалари самараси

Пойтахт вилоятининг Янгийўл туманида масъулияти чекланган жамият шаклидаги «GLOBAL KOMSCO DAEWOO» хорижий корхонаси туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда болалар ва ёшларга бағишланган тадбир ўтказди. Унда Жанубий Кореянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, туман ҳокимлиги, туман халқ таълими муассасалари раҳбарлари, қатор идора ва ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон истиклолга эришган илк кунлардан Жанубий Корея билан дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. — деди тадбирда сўзга чиққан Жанубий Кореянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчисининг биринчи ўринбосари Пе Хан Жин. — Ҳамкорликда кўплаб қўшма қувватлар ишга туширилди. Маданий ва маърифий соҳаларда ҳам



қатор ютуқларга эришилди. «GLOBAL KOMSCO DAEWOO» хорижий корхонаси ҳам икки давлат ҳамкорлигининг маҳсулидир. Туман марказидаги «Фаровон» қошонасида «Ниезбош», «Кирсадок», «Намуна», «Тезарик», «Шодлик» каби маҳаллалар ҳудудида жойлашган 10 дан зиёд мактаб ўқувчилари ва ўқувчилари йиғилишди.

Хорижий корхона бош директори Пак Геон Юль ўқувчиларга турли спорт анжомлари, футбол тўплари ва ўқув қуролларини топширди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги бундай дўстона алоқалар бу ерда жам бўлган ўқувчиларнинг хотирасида бир умрга муҳрланиб қолади,

— деди Янгийўл туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Муҳаббат Алимова. — Бу тадбир болаларимизда бағрикенглик, ҳамкорлик, бирдамлик туйғуларини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Сўзга чиққан ўқувчилар вакиллари эса инглиз тилида гапириб, она Ватанимиз Ўзбекистон бизнинг билим олишимиз, орзуларимизга етишимиз учун катта шарт-шароитларни яратиб берди, биз эса юксак марраларни кўзлаб ўқиймиз, орзуларимизга етиш учун астойдил интиламиз, дея таъкидлашди.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Муносабат

Маҳалламиз истироҳат масканига эга бўлди

Энг улғу, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида пойтахтимиз ҳамда вилоятларда барпо этилган янги саноат корхоналари, таълим ва тиббиёт муассасалари, маданият ва спорт иншоотлари, савдо марказлари, турар-жойлар, йўллар, кўприклар фойдаланишга топширилмоқда. Президентимиз 29 август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида Хадра майдонида ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бу ерда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Аҳоли ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун янада қўлай имкониятлар яратиш мақсадида Фурқат кўчасини Зарқайнар ва Себзор кўчалари билан боғлайдиган ер ости автомобиль йўли реконструкция қилинди. Навоий шоҳ кўчасида 46 метрлик ер ости йўли қурилди. Фурқат кўчасидан ўтувчи 82 метрлик лиёдалар йўлига таъмирланди. Шунингдек, кўп қаватли уйларида яшайдиган аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, дам олиши учун им-

коният яратиш, Хадра майдонида мўътадил иқлимни таъминлаш мақсадида улкан фаввора бунёд этилди.

Хайрли бу ишлардан маҳалламизда истиқомат қилаётган 5200 га яқин аҳоли жуда ҳам хурсанд. Маҳалламизда барча кўп қаватли уйларида истиқомат қилади. Олдинлари ёз ойининг жазирама иссиғида кекса отахонлар невараларини етаклаб, уларни сайр қилдириш учун салқинроқ жой қидиранди. Бундан ташқари, кўп қаватли уйлари ёзда иссиқ бўлади. Унга қўшимча ён-атроф асфальт қопла-


масидан иборат бўлса, иссиқ янада ортади. Шу боисдан мўътадил иқлимни таъминлаш мақсадида фавворанинг бунёд этилиши ҳамда майдоннинг Навоий шоҳ кўчасига яқин қисмидаги асфальт қопламаси олиб ташланиб, унинг ўрнида яшил майсазор барпо этилгани маҳалладошларимизни чексиз қувонтирди. Бу ишлар халқимизга муносиб турмуш кечириш учун қилинган гамхўрликларнинг яна бир намунаси, деб қабул қилдик.

Маҳалланинг кексалари невараларини, ота-оналар фарзандларини етаклаб ўшбу сўлим масканга бориб, мириқиб хордик чиқармоқда. Бу бизнинг сайилгоҳимиз, бизнинг майдонимиз, деб ғурурланишмоқда.

Аскар САМИРОВ,
Тошкент шаҳор
Шайхонтоҳур тумани
«Хадра» маҳалла
фуқаролар йиғини
раиси вазифасини бажарувчи.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА

машҳур каноэчимиз Вагим Меньков кумуш медалга сазовор бўлди



Германиянинг Дуйсбург шаҳрида байдарка ва каноэ бўйича жаҳон чемпионати давом этмоқда. Унда юртимизнинг номдор каноэчиси, жаҳоннинг етакчи эшак эшиш усталаридан бири Вагим Меньков навбатдаги муваффақиятга эришди.

Ҳамюртимиз ўзининг севимли масофаси — 500 метрга эшак эшишнинг финал босқичида маррага иккинчи бўлиб етиб келди. У бразилиялик голибдан атиги бир сония ортада қолди, учинчи ўринда кел-

ган германиялик спортчиси мурасасиз қурашда ортада қолдиришга муваффақ бўлди.

Спорт муҳлислари яхши билади, Вагим Меньков икки карра жаҳон чемпиони. Унинг навбатдаги муваффақияти юртимизда мустақиллик байрамининг 22 йиллик шодоналари нишонланаётган кунларда кўлга киритилгани билан янада катта аҳамият касб этади.

Асрор МҮМИН

Реклама




КУРАШ ХАЛҚАРО АССОЦИАЦИЯСИ

Ўзбекистон халқини энг улғу,
энг азиз байрам — мустақиллик айёми
билан самимий табриклайди!

Ўзбек миллий спорти — Курашни дунёга
танитишга, уни жаҳоннинг 5 қитъасидаги
120 дан ортиқ мамлакатда севимли спорт
турига айланишига имконият яратган
Истиқлолимиз абадий бўлсин!

Курашни Олимпия ўйинларида
кўриш барчамизга насиб этсин!



МУАССИС:

Баш муҳаррир: Сафар ОСТОНОВ

ТАҲРИР ҲАҲАТИ:

Abdulla O'RIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA

Murodilla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosi)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosi)

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kofibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba
kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 946
10485
nuxxada
bosildi.


Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21.30
Topshirilgan vaqti — 00.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7433



1 2 3 4



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI